



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2018-yil 31-yanvar, chorshanba

№ 5 (1068)

1996-yil dekabr dan chiqra boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz www hurriyat.uz

201 A O'zining Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

МИТТИ "ХАЛОСКОРЛАР"
 ёхуд нанотехнологиялар бизга нималарни ваъда этмоқда?
 Мамлакатимизда жорий йилнинг "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоълар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилингани замирида ҳам худди шу мақсад мужассам. Зеро, бугун ўз тараққиёт йўлида ҳар бир давлат фақат ва фақат халқининг юксак интеллектуал салоҳиятига таянади.
 ⇒ 3-бет

ЭРТАНГИ ДОРИЛФУНУННИНГ
бугунги ширин ташвишлари
 Журналист фаолият кўрсатадиган соҳалар таълим универсал характерга эга бўлишини, ҳамда бўлажак журналистдан маълум бир соҳага ихтисослашган бўлишини талаб этади.
 ⇒ 4-бет

ҚАЛАМНИНГ ТЎҚМОҚДАН ФАРҚИ
 Холбуки, фельетон — бировни ҳақоратларга кўмиб, шахсиятига тегиб, "гўрдан олиб-гўрга соладиган" жанр эмас. Гарчи оддий мақоладан фарқли ўларок, аччиқроқ, "заҳарлироқ" тил ва услубда битилса-да, у адашган одамларни тўғрилиққа, ҳалолликка, эзгуликка чорлайдиган маърифий жанрдир.
 ⇒ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН
ЧОРШАНБАГАЧА

✓ 25 январь куни Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий процессуал кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги қонуни матбуотда эълон қилинди.

✓ 26 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Навоий кон-металлургия комбинати томонидан 2026 йилгача қуриладиган янги ишлаб чиқариш қувватларини кафолатланган электр энергияси билан таъминлаш дастурини амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 26 январь куни "Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори матбуотда чоп этилди.

✓ 26 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва "Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори матбуотда эълон қилинди.

✓ 28 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Қашқадарё вилоятига борди.

✓ 30 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтган футбол бўйича 23 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Осиё чемпионати ғолиблари — Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоларига йўллаган табриги матбуотда чоп этилди.



30 январь куни мамлакатимизда Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов таваллудининг 80 йиллиги кенг миқёсда нишонланди.


Шу куни Тошкент шаҳридаги Ислоҳ Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида Биринчи Президентимиз хотирасини ёд этишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти дево-ни масъул ходимлари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари Ислоҳ Каримов ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиб, хотирасини ёд этди.

Биринчи Президентимиз азиз умрини юртимиз, халқимиз бахту саодати, бугунги тинч ва фаровон кунларимизга бағишлади, халқимиз ташвиши билан яшади. Бизга овоз ва обод Ватанини мерос қолдирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ислоҳ Каримов хотирасини абадийлаштириш борасида кенг миқёсда ишлар амалга оширилаётгани халқимизни қувонтирмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюқ давлат ва сиёсат арбоби Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги ва 2017 йил 25 январьдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарорлари ижроси доирасида Самарқанд ва Қарши шаҳарларида Ислоҳ Каримов ҳайкаллари қад ростлади, у киши узоқ йиллар самарали фаолият юритган Оқсарой қароргоҳи ёдгорлик мажмуасига айлантирилди, Тошкент халқаро аэропорти, йирик муассаса ва ташкилотлар, пойтахтимиз ва вилоят марказларидаги марказий кўчаларга буюқ Йўлбошчимиз номи берилди. Бу каби хайрли ишлар давом этмоқда.

Тадбирда Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлари, Президентимизнинг Давлат маслаҳатчилари иштирок этди.



30 январь — Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таваллуд топган кун.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюқ давлат ва сиёсат арбоби Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига қўра, ушбу сана мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Буюқ давлат ва сиёсат арбоби туғилиб ўсган Самарқанд шаҳрида ҳам улуг Йўлбошчимизни ёд этишга бағишланган тадбирлар эрта тонгдан бошланди.

ХАЛҚИМИЗ БУЮҚ ФАРЗАНДИНИ УНУТМАЙДИ

ЁШЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧДИР!

» ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ

Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади.

Ш.МИРЗИЁЕВ

Бугунги кунда дунё шиддат билан ўзгараётган, минтақалар ва давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий курашлар тобора кескинлашаётган бир шароитда мамлакатимиз ёшларини, шу жумладан, армиядаги ёш авлод вакиллари ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари биз учун янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис жорий йилдан она юрт тақдирини ўзини масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларни ўз касбига садоқатли ва ҳар томонлама етуқ қадрлар этиб тарбиялаш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда уюшган ва уюшмаган ёшлар ҳамда миллий армиямиз сафларидаги ёш авлод вакиллари билан ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни тизимли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мудофаа вазирлигида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича ишлаб чиқилган услубий қўлланмада чақирувга қадар бўлган ва ҳарбий хизматни ўтаётган ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларининг назарий ва услубий асослари белгиланди.

Унда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсад ва вазифалари, субъект ва объектлари, асосий йўналиш ва босқичлари аниқ-равшан баён этилган. Яъни ёшларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантириш, уларни ўз фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини бажаришга, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қодир шахслар этиб тарбиялашга қаратилган давлат ва нодавлат ташкилотлари, оила, маҳалла, таълим-тарбия институтларининг мақсади, тизимли ва муво-

фиқлаштирилган фаолияти тўрт босқичда амалга оширилиши лозим:

биринчи босқич — 3-7 ёшдагилар билан;
иккинчи босқич — 7-16 ёшдаги болалар;
учинчи босқич — 16-18 ёшдаги ўсмирлар;
тўртинчи босқич — 18-30 ёшдагилар.

Чақирувга қадар бўлган фуқаро ёшлар йўналишида қуйидаги тавсиялар берилган: жумладан, **мактабгача таълим муассасаларида:** ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги шеър ва қўшиқларни ўргатиш, эртак ва ҳикоялар айтиб бериш; театрлаштирилган саҳна кўринишларини намоёйиш этиш; тегишли мавзуларда расм чизиш, шаклар ясаш танловларини ўтказиш; ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги мультфильмларни намоёйиш этиш; ҳарбий-ватанпарварлик боғларида экскурсиялар уюштириш; мактабга тайёрлов гуруҳларида "Мен ҳам ҳарбий бўламан!" шиори остида эстафеталар ўтказиш;

Газета ўқишга узоқни кўра олмайдиган!

Ўқинг, баҳра олинг ва уни дўстларингизга ҳам ҳадя этинг.

"Hurriyat" да чоп этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишингиз мумкин.

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

» ТАРАҚҚИЁТ РОБИТАЛАРИДА ЯНГИЙЎЛ ЯНГИ ШАҲАРГА АЙЛАНДИ



"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб номланган 2017 йил юртимизда катта ўзгаришларни бошлаб берди. Катта-кичик барча раҳбарларни халққа яқинлаштирди. Улар аҳолининг арзу ҳолини тинглашни, элнинг талаб ва истаклари асосида ўз иш режаларини белгилашни ўргатди. Бу албатта, ўз самарасини берди.

Янгийўллик бир танишимиз шундай деди: "Илгари раҳбарларнинг киш-лок, маҳалла, корхоналарга бориб одамларнинг ҳола-ахволини сўрашга вақти йўқ эди Хатто идорасига ари хол қилиб келганларнинг сўзини ҳам тингласа тинглаган, бўлмаса йўқ. Чунки у пайтларда элга қайишган раҳбар эмас, фақат пахта, галла, чорвачилик бўйича белгиланган режаларни бажарган раҳбаргина илғор, ватанпарвар деб ҳисобланган".

ЁШЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧДИР!

ХАЛҚИМИЗ БУЮК ФАРЗАНДИНИ УНУТМАЙДИ

Бошланғич 1-бемда

Бошланғич 1-бемда

Регистон майдони яқинидаги Биринчи Президентимиз ҳайкали ўрнатилган хиёбонда вилоят жамоатчилиги вакиллари, юртимизнинг турли ҳудудларидан келган меҳмонлар жам бўлди. Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва жамоатчилиги, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ҳайкал пойига гуллар кўйилди. Мамлакатимиз мустақиллиги ва янги давлатчилигимиз асосчиси, бугунги обод ва фаровон ҳаётимиз бунёдкори Исмоил Каримов халқимиз қалбига яшамокда, — дейди самарқандлик меҳнат фахрийси Ф.Шокирова. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида буюк йўлбошчимиз номини абадийлаштириш борасида олиб борилаётган ишлардан барча юртдошларимиз маймун. Буни ҳаво ҳарорати совуқ бўлишига қарамай бугун эрта тонгдан ушбу майдонга минглаб одамлар гул кўтариб келаётганидан ҳам билиш мумкин. Бу халқимизнинг Биринчи Президентимиз хотирасига бўлган ҳурмати, у кишидан миннатдорлигининг ёрқин ифодасидир. Тadbирда вилоят жамоатчилиги билан бирга, юртимизнинг бошқа ҳудудларидан келган меҳмонлар ҳам иштирок этиди ва Исмоил Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Биринчи Президентимиз биз, ёшлар учун барча шароит ва имкониятларни яратиб берган, бу ишга бутун борлигини бағишлаган инсон эдилар, — дейди Урганч давлат университети талабаси, Исмоил Каримов фонди стипендианти соҳибки А.Исмоилова. — Биз бугун эришаётган озми-кўпми ютуқларда у кишининг хизматлари беқийс. Бунга жавобан, албатта, ўқиб ва меҳнат фаолиятимизда юқори натижаларга эришиб, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшамиз, аجدларимизга муносиб ворис бўламиз. Тadbирлар доирасида Самарқанд шаҳри жамоатчилиги ва меҳмонлар учун эҳсон оши тортилди. Тadbирда Самарқанд вилояти ҳокими Т.Жўраев иштирок этиди.

Улугбек АСРОРОВ, Ф.ХАСАНОВ, ЎЗА мухбирлари

офицер, сержантлар, курсант ва “Темурбеклар мактаби” ўқувчилари иштирокида учрашувлар ташкил этиш. Умумий ўрта таълим мактабларидан: чақирувга қадар бошланғич тайёрларлик фанини ташкил этиш; “Темурбеклар” ҳарбий-спорт ўйинларини ташкиллаштириш; “Ватанга хизмат — шарафли бурч!” мавзусида иншоолар ва расмлар танловини ўтказиш; ҳарбий қисмларга экскурсияларини, “Очиқ эшиклар куни”ни уюштириш; ҳарбий-ватанпарварлик акцияларини ўтказиш; “Мардлик ва жасорат”, “Тинчлик”, “Мустақиллик” дарси” каби машғулотларни ўтказиш; муддатли ҳарбий хизматчилар, курсантлар ва Куролли Кучлар фахрийлари иштирокида “Аскар (курсант) — мактаб меҳмони”, “Авиоллар учрашуви” номли маънавий-маърифий тadbирларини ташкил қилиш; “Менинг дадам юрт ҳимоячиси” мавзусида учрашувлар уюштириш; ҳарбий хизматчилар, Куролли Кучлар фахрийлари ва “Темурбеклар мактаби” ўқувчилари иштирокида учрашувлар ташкил этиш; Лицей, коллеж ва олий ўқув юртиларида: чақирувга қадар бошланғич тайёрларлик фанини ташкил этиш; “Бургут”, “Еш чегарачи”, “Еш қутқарувчи”, “Еш ўт ўчирувчи” ҳарбий-спорт ўйинларини ташкиллаштириш; олий ўқув юртининг ҳарбий кафедралари талабалари ўртасида “Алпоминш” ҳарбий-амалий спорт спорт мусобақаларини ўтказиш; ҳарбий-ватанпарварлик акцияларини ўтказиш;



ҳарбий қисмларга экскурсияларини ташкил қилиш; “Очиқ эшиклар куни” тadbирини дахнаштириш; “Мардлик ва жасорат”, “Тинчлик”, “Мустақиллик” дарси” дарсларини ўтказиш; “Ватанимни кўз қорачиқдек асрайман”, “Юрт тақдир — менинг тақдирим” мавзуларида иншоолар танловини ташкил этиш; ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида бадий ва ҳужжатли фильмларини намойиш этиш ва уларнинг муҳокамасини ташкил қилиш; уруш ва меҳнат фахрийлари, Куролли Кучлар фахрийлари иштирокида “Эъзоз”, “Эҳтиром” номли маънавий-маърифий тadbирлар ўтказиш; “Мард ўғлон” давлат мукофотида сазовор бўлган ёшлар иштирокида учрашувлар ўтказиш; ҳарбий қисмларнинг тарғибот гуруҳларини тақлиф этган ҳолда учрашувлар ташкил этиш. Махалла ва ташкилотларда: муддатли ҳарбий хизмат оддий аскарлари иштирокида ва ёшларни жалб этган ҳолда “Аскар — маҳалла меҳмони” мавзусида маънавий-маърифий тadbир ўтказиш; ёшлар билан офицер, сержант, оддий аскарлар ҳамда курсантлар (таътил вақтида) иштирокида

жанговар тайёрларлик ва кўшинлар хизмати тadbирлари; ҳарбий анъаналарни, мамлакатимиз ҳаётидаги асосий байрамлар ва тарихий саналарни нишонлаш тadbирлари; танловлар, интеллектуал ўйинлар, спорт мусобақалари, экскурсиялар ва маданий ҳордиқ тadbирлари; ҳужжатли ва бадий фильмлар, махсус кўрсатувлар намойиши ва муҳокамаси тadbирлари; таниқли ёзувчи ва олимлар, фан ва санъат арбоблари, спорт намояндалари иштирокида иқидий учрашувлар, мулоқот ва маданий кечалар; семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари ва ҳоказо. Ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини тизимли, бошқичма-бошқич ва самарали ташкил этиш мақсадида, аввало ҳудудлар бўйича аҳолини тоифаларга бўлиб, улар орасидан ёшларни, шу жумладан уюшган, уюлмаган ҳамда узок муддатта хорিজга чиққанларини ажратиб олиш мақсада мувофиқ. Бу ишларни амалга ошириш учун ҳарбий бошқаруви органлари тегишли вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсатини ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ҳамда Ички ишлар бошқармасининг масъул ходими, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ҳудудий, маҳаллий кенашлари, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилот етакчилари билан ҳамкор-

ликни ташкил этиши юқори самара беради. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари кўмондонлар (командирлар) ва бошлиқлар (раҳбарлар) томонидан шахсий таркиб билан олиб бориладиган ишларнинг ягона тизими ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги тadbирлар доирасида ташкил этилиши зарур. Бу жараёнда: “Бугунги кунимиз ва келажакимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни катта мақсадлар сари сафарбар этиши, ўз салоҳиятини намойи қилишлари учун зарур шароитлар яратиш ҳамда уларни ҳақиқий ватанпарвар, ҳар жиҳатдан қомил инсонлар қилиб тарбиялаш ишларида сузташликка йўл кўйиш — бу улара нисбатан хайратлиқ”, — деган ҳақиқат дастуруламал бўлиши керак. Шундангина ташкил этилаётган тadbирлар ёшлар онги ва қалбига ижобий таъсир этиб, уларнинг интеллектуал, иқидий ва касбий салоҳиятини рўёбга чиқаради, фаолигини оширади, Ватани ҳимоя қилиш ҳамда хавфсизлиги учун фуқаролик бурчи ва масъулиятини англашига кўмак беради. Бу эса ёшларнинг юқоқ ватанпарварлик туйғуси, замонавий билим, мустақам ирода ва қатъий ҳаётий позиция билан касб этилашлари, миллий армиямиз сафарида шартнома бўйича ҳарбий хизматни ўташлари, давлат органларида ва тadbиркорлик соҳаларида фаолият юритишлари учун кенг йўл очди. Хулоса қилиб айтганда, “Келажакимиз буюк давлат қуришда, ёшлар ҳал қилувчи кучдир!” деган қатъий тамойилга амал қилиб, тизимли ишларни иқидий ташкил этмасак, бу йўлда бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қилмасак, албатта, муайян натижага эришишимиз муқаррар.

Подполковник Зоҳиджон ИСАКОВ, Мудофаа вазирлиги давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар ҳамда ёшлар билан ишлаш бўлими катта офицери

ЯРАШТИРИШ КОМИССИЯЛАРИ:

ФАОЛИЯТ ҚОНҚАРАЛИМИ?

» МЕНДА ФИКР БОР

Келинчак бир олам орзулар ила янги хонадон оstonасини ҳатлади. Кутлуг одимдан ёшу қари — барча бирдек шодон бўлди, дилда умидлар палак ёзди. Дуога очилган кўлар-ку эзгу тилаклардан асло толмади. Келинчак билан бирга уйга файз, барака ингандек бўлди. Ёш оила тўйлари бўлган куннинг илк йилини уч жон бўлиб нишонлашди. Бирок орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ҳамма ҳавас билан боққан жуфтликка кўз теғди, шекилли, ёшлар йўли суд остонасида айро тушди. На кудалар гапи бир ердан чиқди, на маҳалла-кўй бу дарда даво тополди. Икки ўртада ҳали ёшига тўлмаган гўдак ота меҳридан узоқда яшашга маҳкум этилди...

ри ҳақиқатда зиммаларига юктланган вазифани сикдидилдан адо этиб, жамиятимизда ажрашувлар камайишига эриша оладими? Илгарилари бир сўзи, жўяли панд-насихати билан пароканда бўлаётган оилаларнинг бошини қайта қовуштириб, бахтли яшашларига сабабчи бўлган Анзират буви (машхур “Суюнчи” бадий фильми қаҳрамони) каби қайвони онахонларнинг, кўпини кўрган нуроний отахонларнинг ўрнини босишга кучи етаетиди? Бугунги долзарб муаммоларимиздан бири мана шу.

нинг аразлаб қизлик уйига келиб қолишлари ёки аксинча, янги турмуш қурган қизларимизнинг ота уйига қайтиб келиши фақатгина оила учун эмас, балки хар бир маҳалла, кўни-кўшни учун уятли холларнинг бошини қайта қовуштириб, бахтли яшашларига сабабчи бўлган Анзират буви (машхур “Суюнчи” бадий фильми қаҳрамони) каби қайвони онахонларнинг, кўпини кўрган нуроний отахонларнинг ўрнини босишга кучи етаетиди? Бугунги долзарб муаммоларимиздан бири мана шу.

клинади, суҳбатлашади. Шу сабадан бўлса керак, бугун маҳалламиздаги барча оилалар тинч-тотув, ахил-иноқликда истиқомат қилмоқда. — Ўтган йили маҳалламизда иккита оила ажрашди. Сабаб — фарзандсизлик. Яраштириш комиссияси билан биргалликда муаммони ҳал этишга харчанд уринмайлик, барибир фикрлардан кайтормалидик. Куёвлардан бири бошқа турмуш қуриш ниетида эканини

шундай вазиятларда атрофича тушунтириш ишлари олиб бориб, берилган муддат ва ваколат доирасида ижобий натижага эришишга харакат қиламиз. Бундан ташқари, айни кунларда “қайноналар кенгаши”миз ҳам қизғин фаолият олиб бормоқда. Ўзар, айтганидан қайтмайдиган, келиннига зугум ўтказаетган айрим қайноналар ва аксинча, бир-икки камчиликлар билан қайнонаси дилини ранжитаетган, оила азёзоли қўнғилга йўл тополмаётган келинларимизга ҳам хушмуомалалик билан тушунтириш ишлари олиб бораёلمиз.

тирув комиссиялари”га юборилганда аксарият комиссия азёзолари мазкур масалани ҳал этишга малакаси етарли бўлмагани, шунингдек, мутахассислик тўғриси келмайдиган ходимлар фаолият олиб бораётгани сабабли суд томонидан юборилган ажримнинг иқросини амалга оширишда ижобий самарага эришилмайпти. Натижада жамиятимиздаги асраб қолганини мумкин бўлган оилалар бекорга ажрашиб кетаяпти.

Илгарилари маҳалладаги оилаларнинг бирортасида ака-ука ўртасида низо чиқса ёки эрхотин орасидан оламушук ўтса, дархол ўша худуднинг қайвони онахонлари, кўпини кўрган отахонлари томонидан ижобий ечим топилади. Хатто бир-бировни билан тил топишолмаётган ёш оилалар шивирни ҳам маҳалладан нарига чиқмасди. Шу сабабдани, юзқўрмас холатларда ҳам ака-ука ёки эрхотин тегина муромага келиб, яна апоқ-чапоқ бўлиб кетарди. Бугунчи, бугун! Иш судга етиб борса ҳамки, баъзи туман ва худудлардаги маҳалла фаоллари, ваколатли масъуллар, хатто ёши улур айрим отахону онахонлар ҳам вазиятдан беҳабар ё билса ҳам, бефарводек. Давлат статистика кўмитаси маълумотларига қараганда, 2010 йилда 17,8 минг, 2014 йилда 28,8 минг, 2015, 2016 йилларда 29,6 мингга нисбатан кўпайиб кетган. Сўнги беш йил ичида ажрашувлар сони 1,7 баробар ошган. Ўтган йили эса юртимиздаги ФХДЁ органларида 306 мингга нисбатан кўпайиб кетган бўлса, афсуски, ажрашган оилалар сони 31,9 мингга ташкил этиди. Бу ижобий натижа эмас, албатта. Тўғри, ўтган йил мобайнида ажралиш холатларини камайтириш учун қатор ишлар амалга оширилди. Лекин афсуски, статистик маълумотларга таянадиган бўлсак, ажра-

лишлар сони камаймаган. Шу боисдан яқинда Юртбошимиз томонидан имзоланган ва кучга кирган «Алоҳида давлат органлари фаолиятининг такомилиштирилиши ва фуқаро-ролар ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясини кафолатлаш бўйича кўшимча чора-тadbирлар қабул қилиниши билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига кўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонунга кўра, Оила кодексидан назарда тутилган ажраштириш механизмига (40- ва 128-моддаларга нисбатан) ўзгартиришлар киритилди ҳамда мутасадди ташкилотларнинг ишлаш принциплари аниқ белгилаб берилди. Афсуски, ажраштириш иқтиёр этган эрхотинлар судлар томонидан яраштиш учун ажратилган вақтдан мақсадли фойдаланишмайпти. Эндиликда судлар ва ФХДЁ органлари яраштирув комиссияларига зарур чораларни кўриши учун ёзма равишда билдиришнома жўнаатади. Билдиришнома эрхотинларнинг биргалликда истиқомат қилладиган фуқаролар йиғинига (агар улар алоҳида яшаса — уларнинг хар бири яшаётган жойга) жўнаатади. Суд томонидан яраштиш учун белгилашган муддатда маҳаллалардаги яраштирув комиссиялари икки томонни муросага келиб, ажрашмасликка даъват этади. Қизғин шундаки, жойлардаги яраштирув комиссиялари

Ачинарлиси шундаки, ажралиш учун маҳалладан маълумотнома олмақчи бўлган келиндан маҳалла фаоллари нега ажрашаётгани тўғрисида эмас, балки яшаётган хонадонининг қонунал тўловлардан қарзи бор-йўқлиги ҳақида сўраб-суриштиришибди. Нахот, шундай нозик палаларда яраштириш комиссиялари муаммонинг ич-ичигача кириб бориб, ажралиш сабабларини аниқлашмайди, айбдор томонни ўртага олиб, қўндиришмайди?! Ёки айрим маҳаллалардаги (номини келтиришни жоиз топмадик, лекин ҳақиқат) каби яраштириш комиссияси азёзолининг номи қоғозда бору, амалда йўқми?!

аразлаб келган қиз муаммосига ўша захоти бархам беришга харакат қилинади. Қизнинг ота-онаси, маҳалла фаоллари ва яраштириш комиссияси азёзолидан вакиллар бориб, қуда томон билан масаланинг ижобий ечимига эришилади. Никохдан ўтиш учун маълумотнома сўраб келган хар бир йиғит-қиз билан алоҳида суҳбатлашамиз. Уларга тажриба-агли, зиёли, ёши катта, маҳалла фаоллари бўлмиш ёрқалар ва кўпини кўрган онахонлар, отин-ойилардан ташкил топган яраштириш комиссияси азёзолари турмуш ҳақида, унинг пасту баландликларни тўғрисида мисоллар, ривоятлар билан ўринли панд-насихатлар

айтиди. — дейди Шайхонтоға тур тумани “Қамолон” МФЙ диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Масуда Маҳкамова. — Маҳалламиздаги яраштириш комиссияси 15 нафар кишидан иборат. Бари ҳаётий тажрибага эга, улур ёшларни қаршилаган турли касб эгаларидир. Комиссия азёзолари маҳаллада ажралиш ниетидаги бирор оила ҳақида эшитиб қолишса, имкони борича тезроқ келин ва куёв билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашиб, ажралиш сабабини ўрганишади. Аксар холларда ёш оилалар аризмас сабаблар туфайли никоҳини бекор қилмоқчи бўлишади. Ана

Масуда опанинг айтишича, маҳаллада иккита нотинч оила бор. Улардан биридаги оила бошлиғи ичкиликка муккасидан кетгани боис рўзғорга ҳам, бола-чакага ҳам қарамай қўйган. Ойилда қунора жанжал. Рўзғорнинг бутун ташлавиши аёл зиммасида. Комиссия азёзолари ва маҳалла фаоллари бу ҳолга безътибор қараетгани йўқ, албатта. Айни кунларда оила бошлиғини, аввало, ичкилик балосидан қутқариш пайидалар. Шу боис мажбурий даволанишга қўндиришга харакат қилишмоқда. Қўриб турганингдадек, маҳалла ташвишлардан холи бўлмайди, албатта. Жамиятнинг асосий бўлини бўлмиш мазкур гўшада истиқомат қилувчиларнинг гапини гапира қовуштириш, барча юмушларда бир елқадан бош чиқартириш осон иш эмас. Бундай нозик масалалар ҳаммамнинг ҳам қўлидан келармайдими.

Айтиш керакки, республикамиздаги аксарият маҳаллаларда натижалар қувонарли эмас. Хатто баъзи худудларда яраштириш комиссиялари номини яшаш ишлади, холос. “Беш қўл баробар эмас”, деганларидек, барча маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги ана шундай комиссияларнинг фаолиятини ижобий баҳолай олмаимиз. Чунки мутахассисларнинг фикрига қараганда, суд томонидан оилаларга яраштиш учун муҳлат берилиб, “Яра-

Гўзал МАЛИКОВА, “Hurriyat” мухбири

2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

МИТТИ „ХАЛОСКОРЛАР“

ёхۇд нанотехнологиялар бизга нималарни ваъда этмоқда?

Замонавий цивилизация бизга ақл бовар қилмас қулайлик ва имкониятлар билан бирга, етарли даражада ташвишларни ҳам "туҳфа" этди. Йирик заводлар, бир томондан турмушимиз раванкига хизмат қилаётми, иккинчи тарафдан улардан она табиатга етаётган зарарнинг охири кўринмапти.

Бугун инсоният ўзи кашф этган нарсаларнинг оқибатидан, шоир айтмоқчи, "хайронликда" турибди ("Оқибатни ёд этиб, хайрон ўзинг, хайрон ўзинг..." — Эркин Воҳидов). Хўш, бу "хайронлик"дан бизни ким қутқара олади? Одамзод ўз бошига тушган мушкулликларда ҳаммиша таваққулга, илмга таянган. ("Билим — барча қуфатларга қалқондир" — Абу Абдуллоҳ Рўдакий). Тараққиёт истаганлар учун ҳам илм — энг бирламчи қурол, асосий воситадир.

Мамлакатимизда жорий йилнинг "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилинган замирида ҳам худди шу мақсад мужассам. Зеро, бугун ўз тараққиёт йўлида ҳар бир давлат фақат ва фақат халқининг юксак интеллектуал салоҳиятига таянади.

Куйида эътиборингизга ҳавола этилаётган сўхбат, таниқли олим, Ўзбекистон фанлар академияси академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор Комил МУКИМОВ мулоҳазалари худди шу ҳақда.



лаётган электр энергиясининг 10 фоиздан кўпроги электр токини ўтказувчи симларнинг қизиши натижасида истеъмолчиларга етиб бормапти. Нанотехнология ёрдамида бу йўқотилаётган энергиянинг миқдорини кескин камайтириш мумкин. Масалан, мис симларнинг тарихига 40 фоиз ултерод наонайлари киритилса, унинг қаршилиги 2 баробар камаяди ва ажралиб чиқадиган иссиқлик миқдори ҳам шунчага озаёди. Бундан ташқари, наонайлар киритилган материаллардан ясалган трансформаторлар, электр двигателлари, генераторлар ва бошқа электр асбоблари ҳамда қурилмаларнинг иссиқлик ажратиши ва уларнинг ҳарорати жиддий равишда камаяди. Бу эса, энергияни тежаш билан бирга уларнинг ишлаш муддатини узайтиради.

Кўёш энергетикасининг ривожланишида нанотехнологияларнинг ўрни беқисс. Бир кунда Кўёшдан Ер сиртига тушаётган энергия инсониятнинг бир йил давомида истеъмол қилган энергиясидан ошмиқдор. Бугун ишлаб чиқарилаётган энергиянинг атиги 0,1 фоизи кўёш батареялари ҳиссасига тўғри келади. Кўёш энергиясидан кенг фойдаланишга гелиоэлектроникларнинг жуда қимматлиги, самардорлиги пастлиги (фойдаланиш коэффициенти 12—20 фоиздан ошмайди), ишлаб чиқарилаётган энергиянинг миқдори йил фасллари ва кўёшли кунларнинг кўп ёки камлигига боғлиқлиги тўсиқ бўлмоқда.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган кўёш батареяларнинг 90 фоиз кремний асосида тайёрланмоқда. Бу ҳол дунё бозорига кремний пластинкалари нархининг ошишига олиб келди.

— Бундан бир неча йиллар олдин квант компьютерлари ҳақида кўпчилик билмас эди. Кейинги йилларда илмий журналларда уларга бағишланган кўп қўллаб мақолалар эълон қилинди. Квант компьютерлари ҳақида нималар дея оласиз?

— Нанотехнологияларнинг "отаси" деб тан олинган, Нобель мукофоти соҳиб Ричард Фейнман 1982 йили келажакда табиатда рўй бераётган жараёнларни компьютерда тўла моделлаштириш мумкинлиги ҳақида ғояни илгари суриб,

бу вазифани бажариш мақсадида квант компьютерлари яратилади, деб баъорат қилган эди. Кўп вақтдан бери квант компьютерлари тўғрисидаги фикр ноилмий фантастика деб ҳисобланар эди. Бугунги кунда квант компьютерлари ниима учун зарур бўлиб қолди?

1994 йили америкалик математик Питер Шор ("AT & Research" компанияси) катта сонларни оддий сонлар кўпайтмаларига ажратувчи ўзига хос квант алгоритми (факторизация алгоритми)ни яратди. Бу ихтиро квант компьютерларига қизиқишни оширди. Гап шундаки, очик қалит орқали шифрлаш (асимметрик алгоритм деб юритилади) дунёда энг кўп тарқалган усул ҳисобланади. Бунда шифрланган махфий ахборотни очиш учун катта сонни оддий сонлар кўпайтмасига ажратиш зарур. Агар C катта сон бўлмаса, $(A \times B = C)$ кўпайтмадаги A ва B сонларни топиш қийин эмас, албатта. Катта сон C ни (масалан, у 100 дан ортиқ разрядга эга бўлса) билган ҳолда оддий сонлар A ва B ларни топиш ўта қийин масала, чунки бу кўпайтмаларнинг ҳамма комбинацияларини кўриб чиқишга тўғри келади. Агар C сони 250 разряддан иборат бўлса, уни оддий сонлар A ва B ларга ажратиш учун замонавий компьютерларга юзлаб йиллар керак бўлади. Келажакда, квант компьютери бу масалани 30 дақиқа давомида ечишга қодир бўлади. Шундай қилиб, Шор алгоритми шифрланган махфий ахборотни оча оладиган алгоритмдир.

Махсус хизмат идораларида, кўп йиллар давомида, одатдаги усулда очиш мумкин бўлмаган жуда кўп шифрланган ахборотлар тўпланиб қолган. Квант компьютерлари ишлаб чиқилиб, бу махфий ахборотларни ўқиш имконияти туғилгандаги ҳолатни кўз олдингизга келтириб, Банк тизимида ишлашга қодир бўладиган қўш ҳужжатлар ва интернет орқали буюмларни сотиб олишда фойдаланиладиган кредит картчаларининг шифрларини ҳам очиш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам квант компьютерлари пайдо бўлганда, улардан фойдаланиш қатъий равишда чегараланган ва назорат остида бўлиши лозим. Демак, кўп мамлакатларнинг манфаатдор ташкилотлари квант криптографияси (махфий белгилар билан ёзиш тизими) соҳасининг ривожланиши ва квант компьютерини яратиш учун катта маблағлар ажрата бошлагани бежиз эмас.

— Сиз тавриф бераётган нанобиотехнологияларнинг турмушимизда энг муҳим соҳа — тиббиётдаги ўрни қандай кўринишда бўлади, деб ўйлайсиз?

— Нанотиббиётнинг мақсади одам организмни доволаш, биологик ёшартириш ва инсон умрини узайтиришни таъминлашда нанотехнологиялар ютуқларидан фойдаланишга қаратилган.

Ҳозирги кунда, нанотибби-

ёт соҳаси шаклланиб келаётган йўналиш бўлиб, унинг усуллари амалиётга эндигина кириб келмоқда ва кўпчилиги эса, ҳали лойиҳа даражасида. Тиббиёт соҳасидаги қатор хорижий илмий марказлар диагностика, даволаш, протезлаш ва имплантациялаш йўналишларидаги илк нанотехнологик қурилмаларни намойиш қилмоқда. "Nature Materials" журналининг ҳисоб-китобига қараганда, нанотехнологиялар асосида 150 дан ортиқ дори-дармонлар ва уларни манзилга етказувчи воситалар яратилган. Нанобиотехнологиялар соҳасидаги ишланмаларни нанотиббиётнинг касалликларнинг эрта диагностикаси, даволашнинг шахсий (персонал) стратегиясини танлаш, аҳолининг катта гуруҳлари соғлиғи ҳолати мониторингини олиб бориш, самарали камдолиш терапияси, тиббиёт учун молекулар воситалар (инструментлар)ни яратиш, наножарроҳлик, тўқималар трансплантацияси ва регенерацияси (тикланиш), протезлаш ва бошқа соҳаларида қўллаш мумкин.

— Юртимизда нанотехнологиялар соҳасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Албатта, мамлакатимизда нанотехнологиялар соҳасида илмий-тектириш ишлари амалга оширилмоқда. Аммо олиб борилаётган ишлар тарқоқ ҳолда бўлиб, Ўзбекистонда наносаноатини яратишга қаратилмаган. XXI аср юқори технологияларидан бири бўлган нанотехнологиянинг келажакда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги улкан ролини ҳисобга олган ҳолда Президентимиз қарорига асосан 2018 йилнинг март ойида Ўзбекистон Миллий университети қошида Нанотехнологияларни ривожлантириш маркази барпо этилади. Марказнинг асосий вазифаларидан бири мамлакатимиз олий ўқув юртиларида нанотехнологиялар билан шуғулланаётган олимлар ва педагогларнинг салоҳиятини бирлаштириш ва бу соҳада кадрлар тайёрлашга сезиларли ҳисса қўлишидир.

Мамлакатимиз олимлари юқори салоҳиятга эга. Албатта, нанотехнологиялар билан жиддий шуғулланиш учун замонавий ва қимматбахо асбоб-ускуналар зарур. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ташкил қилинаётган илмий-тектириш, инновацион институтлар ва Марказларда кўпчилик олимлар фойдаланиши мумкин бўлган асбоб-ускуналар лабораториялари ташкил этилмоқда. Миллий университетда ташкил қилинадиган Нанотехнологияларни ривожлантириш марказида ҳам шундай лаборатория очилиши кўзда тутилмоқда.

Юқори салоҳиятга эга олимларимиз, иқтидорли ёшларимиз замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланиб, нанотехнологиялар соҳасида оламшумул янгиликлар яратишига ишонаман.

Ўқтамои ХОЛДОРОВА, журналист

РОССИЯДА МЕХНАТ ҚИЛИШНИ ИСТОВЧИЛАР ЧҲҚН ЯНГИЛИКЛАР



Ўзбекистон янги шароитларда меҳнат мигрантлари муаммоларига нисбатан ўз муносабатини тубдан ўзгартирди ҳамда меҳнат мигрантларининг Ўзбекистон иқтисодиёти ҳамда улар ишлаётган мамлакат тараққиётига қўшаётган улушини эътироф этмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) ташқи меҳнат миграцияси борасида халқро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Жумладан, мазкур Битим ишчи кучи миграцияси жараёнларини тартибга солиш ва келгусида ушбу соҳада ҳуқуқий назоратни янада такомиллаштириш, шунингдек, РФ худудидеда вақтинчалик меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган меҳнат мигрантларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофиза қилиш заруратида келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқилган.

Агентлик томонидан мазкур Битимни ҳаётга жорий этиш борасида жадал ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, 2017 йил 2 ноябрда Агентлик Россия Федерацияси Меҳнат ва бандлик Федерал хизмати (РОСТРУД)нинг "Россияда иш" (Работа в России) порталда «шахсий кабинет» очди.

«Шахсий кабинет» агентликка Россия иш берувчилари рўйхатида кириш, уларга Ўзбекистон фуқароларини ташкилий ишга жойлаштириш бўйича таклифларни юбориш имкониятини тақдим этади.

Агентлик «шахсий кабинет» орқали Россия Меҳнат ва бандлик федерал хизматида Ўзбекистон фуқароларини ёллаган иш берувчиларда яратилган шароитлар тўғрисида маълумот олиш учун сўровнома, шунингдек, мамлакат фуқароларига нисбатан меҳнат қонунийлиги бузилгани ҳақида ахборот жўнатиши ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошидаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳамда Санкт-Петербург шаҳрининг "Меҳнат ресурслари" Давлат автоном маркази таъсисчилигида "Самарқанд шаҳридаги Россия Федерациясига меҳнат мигрантларини кетишдан олдин тайёрлаш ва жўнатиш маркази" (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) ташкил этилди.

Мазкур марказ фаолият олиб бориш учун Самарқанд шаҳрининг Хўжа Аҳрор Валий кўчаси, 21-А-уй (собиқ Стоматология институти биноси) биноси маъқулланган. Мазкур бино қайта таъмирланганга қадар ҳозирги кунда Самарқанд шаҳар, Баҳодир Ялангўша кўчаси, 15-А-уй манзилида (Мўлжал: Самарқанд шаҳар ИИБ ЙХХБнинг кўчасига кириш қисмида) бўш турган бино ижарага олинди, марказ фаолиятини ташкил этиш масаласи ҳамкорлар билан келишилган.

МАРКАЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ:

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги билан ҳамкорликда Россия Федерацияси иш берувчилари томонидан берилган талабнома (вакансия)лар бўйича танлов ташкил этилади; танловдан муваффақиятли ўтган номзодлар умумий тиббий кўрикдан ўтказилади; иш берувчиларнинг талабларига асосан Россия Федерациясининг тарихи, маданияти, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофиза қилиш қоидалари ўқитилади;

Марказ томонидан фуқароларнинг Россия Федерациясига қонуний меҳнат фаолиятларини амалга оширишда ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашилади (Бошланғичда рус тили бўйича тест ўтказилиб, сертификатлар берилади).

Ушбу жараёнлардан сўнг фуқаролар Россия Федерациясига уюшган ҳолда кузатилади.

Бугунги кунга қадар Марказ ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқа ташкилий масалалар билан бандлик сабабли 2018 йилнинг февраль ойидан бошлаб тўлиқ фаолиятини бошлайди.

ЭНГ АСОСИЙСИ, Агентлик орқали чет элларга кетаётган фуқаролар бевосита Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ва "Ўзбекистон темир йўллари" хизматидан фойдаланиши сабабли хавфсизлик даражаси юқори бўлади. Йўналишли транспорт воситаларининг техник ҳолати ва анжомлари тегишли стандартлар ҳамда техник фойдаланиш қоидалари талабларига жавоб бериши таъминланади.

Лицензияга эга бўлмаган ва яроқсиз йўловчиларнинг транспортларидан фойдаланиш хавф даражаси юқори бўлишига олиб келади. Бу турдаги транспорт воситалари йўлга чиқилган олдинги техник кўрикдан ўтганлиги ва техника хавфсизлик қоидаларига риоя этилиши кафолатланмаган.

Хорижий давлатларда қонуний ишлаш истаганда бўлган фуқаролар қўшимча маълумотларни Ташқи Меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг Самарқанд вилоят филиалларига бевосита мурожаат этган ҳолда ёки Агентликнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларидан батафсил маълумот олишлари мумкин.

Агентликнинг Самарқанд вилоят филиали телефон рақами: 233-24-00, 233-53-00
Манзил: Самарқанд шаҳар, Кўксарой майдони, 1-А-уй (Мўлжал, Самарқанд вилоят ҳокимлиги ёнида жойлашган Кенгазлар уйидан фойдаланиш бошқармаси биноси)
Ташқи меҳнат миграцияси Ташқи Меҳнат миграцияси масалалари агентлиги: +998 71 202 33 44, +998 71 202 33 55, +998 71 202 33 66, +998 71 202 33 88, +998 71 202 33 99

ТАШҚИ МЕХНАТ МИГРАЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ АГЕНТЛИГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

Хайрли ишлар бардавом

ЭКОМАДАНИЯТ

"Экосан" экология ва саломатлик хайрия жамоат фонди аҳолининг экологик, тиббий, санитария ва гигиена шароитларини яхшилаш, шунингдек, ичимлик суви танқис бўлган худудларда яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, аҳоли ўртасида экологик маданиятни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш йўналишларида кўплаб хайрия тадбирларини ўтказиб келмоқда.

Республикамиз бўйлаб жамоат фондлари ва ўқув муассасалари билан ҳамкорликда уюштирилган "Экологик тарбия ёки атроф-муҳитга нисбатан муносабат", "Ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда экологик маданиятнинг ўрни", "Баркамол авлод", "Экологиянинг долларб масалалари" ва "Бизда энг олий қадрият — инсон ва унинг манфаатлари" мавзуларидаги учрашувлар шулар жумласидандир.

Яқинда Сурхондарё вилояти "Экосан" худудий ташкилоти Ёшлар иттифоқи ва Экохаракатининг ви-



лоят бўлимлари билан ҳамкорликда Термиз давлат университетига яна бир хайрли тадбир ўтказди. "Инсон саломатлиги буюк неъмат" мавзуда ижодий ишлар кўргазмаси уюштирилиб, талабалар билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбир доирасида "Тиббий экологик маданият" рисоласининг тақдимот маросими ўтказилди.

Оролбўйи худудидедаги тиббиёт муассасаларининг аҳолига бир меъёра сифатли тиббий хизмат кўрсатишга кўмаклашиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқул туманидаги "Бўстон" МФЙ "Қуламет жўра" кишлоқ врачлик пунктига 288,8 метр, Чимбой тумани "Қизил ўлак" МФЙ худудидеда 53-сонли кишлоқ оилавий поликлиникасига 350 метр ичимлик суви қувурларини янгидан ўтказиб бериш натижасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифати яхшиланди. Мазкур сув таъминоти лойиҳалари доирасида 3427 метр сув тармони тортилиб, худудда яшовчи ўн минг нафардан ортиқ юрдошимиз ичимлик суви билан таъминланди. Муқобил энергия манбаларидан унумли фойдаланиш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси Эликкальва туманидаги "Сарабий" оилавий поликлиникасига ҳамда Хоразм вилояти Хавораз туманидаги 1-сонли "Ором" давлат махсус мактабга таъмин муассасасига кўёш технологияларига асосланган 2 та 1000 Вт.ли фотоэлектрик станцияси ва 1 та 200 литрлик кўёш сув иситиш коллектори ўрнатилди.

Хуршид МАЪРУФ тайёрлади.

КҮН МАВЗУСИГА МУНОСАБАТ

ЭРТАНГИ ДОРИЛФУНУННИНГ БУЗУНГИ ШИРИН ТАШВИШЛАРИ

ТАДБИР

Хурматли Президентимиз томонидан айтилган хушxabар — Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникация восталари университетининг таъсис этилиши кўпчиликини хушнуд этди. Бу янгилик нафақат юртимизда фаолият юритаётган шу соҳа ходимлари, зиёлилари, ижодкорларни, балки шу йўналишда тахсил олаётган талабаларни, келажакда журналист бўлишни орзу этган ҳар бир ёшни қизиқтириши табиийдир.

тақдирликка эришганини инкор этолмаймиз. Бинобарин, методологияларни равишда эмас, уларни комплекс йўсинда қўллаш талаб этилади.

Демак, бўлажак янги университетнинг электрон журналистика кафедраси (ёхуд бўлиши) концепциясида бу йўналишдаги илмий-ўқув фаолиятининг бошқичлари аниқ кўрсатилиши, миллий телевидение тақдирликка эришганини инкор этолмаймиз. Бинобарин, методологияларни равишда эмас, уларни комплекс йўсинда қўллаш талаб этилади.

Масалан, концертнинг миллий телевизион шакли топилганича йўқ. Шу ўринда телекўрсатувлар композицияси, олиб борилиши ўзга мамлакатлар теледасурларидан “ўйирланиши”, тасвир устуворлигини таъминлаш жараёни овир келтирилганини айтиш лозим, шунингдек, икки суҳбатдошнинг камералар билан мулоқотда бўлиши, муайян воқеаларнинг иштирокчиси ёхуд тўғриси сифатида сўзлашмаслиги, бирор объектни ўрганган мутахассис сифатида томошабиннингловчи билан “суҳбатлашиши” — телевидение ижодининг зийрак техникасини, эстетик имкониятларини ўрганиш, ўзлаштириши талаб этади. Ижод психологиясини, интермедиялик, интертекстуаллик, экстронология, когнитив асос каби тушунчалар ҳам ўқув дастуридан ўрин олганча йўқ. Журналист фаолият кўрсатадиган соҳалар таълим универсал харақтерга эга бўлиши, ҳамда бўлажак журналистдан маълум бир соҳага ихтисослашган бўлишини талаб этади.

Янгиликлар киритиш — булар талабаларнинг коммуникатив фаолиятини оширишига ёрдам беради. Бу жараёни модернизация қилиш, аввало, педагоглар, олимлар, ижодкорлар — профессор-ўқитувчиларнинг интеллектуал бойлигига, мураббийлик истеъдоди ҳамда назарий билимини муттасил бойитиб боришига боғлиқлигини ҳисобга олиб малакани ошириш, “географиясини” кескин равишда кенгайтириши тақлиф этамиз. Брюссель университетидан ўқув дастурини тузиш ҳамда уни кун сайин тўлдириб, мукамаллаштириши, ислом маданиятини жaxon цивилизациясини таркибда ўрганиши, чет тилларни касб талаб этадиган йўсинда ўзлаштириши ўрганиши мумкин. Оксфорд ва Кембриж университетларидан меросни коммуникатив захираларини тадқиқ қилиш ҳамда талабага етказиши, Лейден (Голландия) Ислом университетидан ўқув кутубхонасини Шарк маданияти ёдрорликлари (жумладан, асл нусхалари) билан доимо тўлдириб боришни ва ёшлар, олимларга етказиши (масалан, юртдошимиз Ахмад Фароний асарларининг ноёб нусхалари...

Ҳар бир миллатнинг ўзига хослигини, маънавий юксаклигини кўрсатадиган бу адабиётдир. Чунки миллий адабиётда халқнинг онгу тафаккури, ақлу заковати ўз ифодасини топибгина қолмасдан, балки маърифий-ахлоқий фазилати ҳам ўз тажассумини топади. Буюк адабиёти бўлмаган халқ юксак миллий руҳга эга бўлолмайди. Шукрки, ўзбекнинг дунёга кўз-кўз этса арзийдиган адабиёти бор.

Ижодкорлар меҳнати қадр топмоқда

Қисқа давр мобайнида мамлакатимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар, янгилашлар рўй бермоқда. Адабиёт соҳаси ҳам бу эътибордан бебаҳра қолаётгани йўқ. Юртбошимиз ташаббуси билан Адиблар хиёбонининг барпо этилгани, вилоятларда шoir-ёзувчилар номи билан аталадиган мактабларнинг очилаётгани, “Илҳом” фондининг ташкил этилиши ва бошқа қўлбал мисоллар фикримизнинг ёрқин исботидир. 2017 йил 3 август кунин Юртбошимиз маданият ва санъат намояндалари, ёзувчи ва шoirлар, ОАВ вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда “Ўзининг ноёб истеъдоди ва маҳоратини халқимиз маънавиятини юксалтиришга бағишлаган, инсон қалбини тухалдислари бўлган ижодкор зиёлиларга доимий раҳм-ўрғунлик масаласи Ўзбекистонда бугун олиб борилаётган давлат сиёсатида алоҳида ўрин эгаллайди” дея таъкидлаган эди.

Бугунги кунда мазкур соҳа вакили, геосиёсат, инновация, ахборот технологияси, давлатимизнинг ахборот борасидаги сиёсати, интеграцион жараён, психология, электрон техника ва шу қабиларнинг кўндан-кўн тармоқларни пухта ўрганган, ўзлаштирган бўлиши зарур. Бўлажак олий ўқув юртининг дастлабки вазифи ҳам “журналистика”га янги таъриф-таъсиф беришдан бошлана, ажаб эмас.

Мулоҳазаларимизнинг ўқув жараёнига таратилган кўриш ҳамда уни юксак илмий ва ижодий даражада ўтказиш билан боғлиқ қисми педагогика билан бирга илм-фан бобида содир бўлаётган воқеалар, ихтиролар, йўналишлар билан боғлиқ бўлади. Зеро, амалиёт жўшқинлигини таърифлаётганимизда кўзга аққол ташланиб турган қусурларни четлаб ўта олаемиз. Телевидениенинг мураккаб таркиби, нозик табиятини ўрганаётганимизда ҳамда талабани ўша ижодий, техник, медиамуҳитга олиб кираётганимизда муҳим омил тўғри танланган илмий ёндашувдир. Телевидениени фақат ОАВ сифатида таърифлашга уриниш янгилик хулосаларга йўл очини мумкин. Шу боис техник ихтиро сифатида қабул қилинган, ахборотни кўпроқ сўз билан тасвирлаб берган, сўнг ўзга санъатлар — кино, мусика, рангтасвир маҳсулотини кенг оммага тарқатиш билан шуғулланган, яъни ўзининг репродуктив хизматини ўтаб келган ойнан жaxon биринчи ўн йилликлар давомида эстетик мус-

Журналистик таълим жараёнини янгидан ташкил этиш, шунингдек, инновацион методларни қабул қилиш, ўзлаштириш ОАВни тадқиқ қилишда университет тузган, илмий кенгаш тасдиқдан ўтган концепциядан келиб чиқиб, етакчи жaxon университетлари билан узвий алоқада бўлиш, дарслар жадаллаштирилади.

Хушxabарни эшитган кўнчи мазкур тақлифларимизни изҳор этишга киришдик. Мулоҳазаларимиз журналистика дорифункцияга тегишли бўлса-да, олий мақсадимиз ҳам бор: ўзбек миллий таълим тизими етакчи жaxon олий ўқув юрти қаторидан ўрин олиши орзуси...

Ҳамидулла АКБАРОВ, профессор

МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗНИ БЕЗАЁТГАН НАШР

ЖУРНАЛНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Ҳар бир нашр ўз олдига маълум бир мақсад қўяди. Зукко ўқувчи ушбу мақсад қай даражада уйданлаётганини ўз мезонлари ва нашрнинг мундарижасига қараб илғайди ва баҳолайди. “Маънавий ҳаёт” журнали илк сонлариданоқ ўз мухлисларини топди, алалхусус, зиёли қатламнинг диққат-эътиборида турибди ва зиммасидаги масъулиятни тўла адо этиб келмоқда. Хусусан, журналнинг ўтган йилги сўнги сонидан ижодий гуруҳ ўқувчиларга салмоқли, оҳорли материалларни тақдим этган.

Худосизлик авжига чиққан ўша даврлар воқеалари архив ҳужжатлари асосидаги далиллар билан бойитилган: “Ишнинг бошида давлатнинг турши, атеистларга кўпроқ эркинлик берилиши оқибатида қисқа фурсатда “Худосизлар” жамиятининг собиқ штифок ҳудудида 14 та тилда чиқадиган 18 номдаги нашрлари пайдо бўлди. Ўзбекистонда ҳам 1928 йил февраль ойидан бошлаб айта бир марта, 3 минг нусхада “Худосизлар” журнали чоп этила бошлайди. Нашрларда эълон қилинган мақолаларда турли халқларнинг, шу жумладан, ўзбек халқининг ҳам узоқ асрлардан бери яшаб келадиган маънавияти, дини ва турмуш тарзи мунтазам камситилиб кўрсатишар эди”.

Ушбу мақола ортидан Малайзия давлатининг собиқ бош вазири доктор Махатхир Муҳаммаднинг 2003 йил 16 октябрда Путражайя шаҳрида бўлиб ўтган Ислом конференцияси ташкилотининг 10-сессияси очилиш марсамида сўзлаган нутқидан парчалар берилган. “Бу иш қўлимиздан келади” сарлаҳаси остидаги ушбу фикрлар динимизнинг асл моҳиятини тушунишга даъват этади: “Бизга “икро”, яъни ўқи, билим ол деб насиҳат қилинган эди. Илк мусулмонлар шу ўғатма риоя этиб, қадиме юнон олимлари ва исломгача яшаб ўтган барча олимларнинг асарларини таржима қилиб, ўрганишган. Шу усулда мусулмон олимлари ўз тадиқотлари билан фан ҳазинасига ҳисса қўшган... Бироқ ислом цивилизацияси тараққиётининг ярим йўлида исломни янгилаш тақдир қилувчилар пайдо бўлдики, улар маърифат деганда фақат шохитини ўрганишни тушуниб, шунинг тарғиб қила бошладилар. Табиий фанлар, тиббиёт ва бошқа илмларни ўрганишга эътибор сусайди. Мусулмон жамиятида маънавий-маърифий таълимга бошланди. Агар Усмонийлар империяси лашқари аралашмаса эди, ислом цивилизацияси Гренада қўлдан кетган 1492 йил-



беҳларига ўраб ўқувчига тақдим этадики, ушбу тўпламни қайта ўқишга чорланасиз. “Буюк девор ичидида мўъжизалар” йўл очарки эса сизни маҳобатли Хитой давлати сари етаклайди. Уни ўқиш орқали муаллиф билан бирга мамлакатнинг йирик шаҳарлари, қадимий обидалари, осмонлар иншоотлари ва боғларида сайр қиласиз. Асосий мақсад матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини ўрганиш ва тажриба алмашиш бўлган ушбу саёхатда соҳа вакиллари билан бўлган қизиқарли учрашувлар раван, самимий тилда баён этилади: “Жансу вилояти телеградиостанцияси йўлга қўйган тажриба эътиборимизни тортиди. Телеижодкорлар мунтазам равишда томошабин ва тинловчилар фикр-муносабатини ўрганиб, иш фаолиятини мухлислар хоҳиши-истаги асосида олиб боради. Дейлик, битта сериали эфирга узатишдан олдин уни реал оидитория низоҳидан ўтказиб олишади. Махсус залда кўнгили томошабинлар ўша сериали кўриб, кўпчилиги маъқулластагина, у аммага намойиш этилади. Уларнинг мулоҳаза ва тақлифлари асосида сериалга ўзгариш киритилиши ҳам мумкин. Бу — халқ бадий кенгашининг ўзгариши”.

Хуқуқ, эркинлик ва бурч бирлиги деганда нимани тушунасан? Хуқуқ формуласи, деганда-чи? Бир қарашда икки оғиз сўз билан жавоб бера оласиз. Аммо унга чуқурроқ ёндашиб, Асосий Қонунимизни мантиқан таҳлил қилиб кўрсангиз, фикр-қарашларингиз янада сайқаллашади, бойийди. Журналнинг илк саҳифаларидан ўрин олган материал бу борада сизга ўқимак беради, у орқали Конституцияни қай тарзда ўқиб, қандай тушуниш лозимлигини англайсиз. Мақола муаллифи, филология фанлари номзоди Султонмурод Олимнинг қуйидаги сўзлари фикримизни тасдиқлайди: “Инсонга аввало айнан маънавиятига қараб баҳо беришар экан, шахсининг бурча муносабати ҳам бевосита унинг маънавиятини кўрсатадиган мезонлардан бири саналади...”

Математикага қобилият тўғра бўлиши керак, деган гапларга унча қўшмайман, математикани чуқур ҳис қилиш учун жуда талантили бўлиш шарт эмас, формулаларни ахши билсангиз, мисол ечишдан осони йўқ... Ушбу фикрлар зарб этилган ва “Койнот тилида гаплашамиз” деб номланган суҳбат-мақола физика-математика фанлари доктори, профессор Баҳром Омидов билан кечган. У фан сирла-

Ишонсини эътиқод эркинлигиндан маҳрум қилган узоқ йиллар “овоз”и “Эътиқод топталса, инсон хўрланар” материалда акссано беради. Унда Қурбонбой сўфи Тўрабеков мисолда одамларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва эътиқодининг топталлиши қалам-

Наширнинг ушбу сонидан ўрин олган “Хазиналар қўмилган тупроқ”, “Нур қидириб”, “Тоғ”, “Юзйилликни қақнатган ранглар” каби мақолалар ҳам ўқувчи эътиборидан четда қолмайди. Мухтасар айтганда, журнал маънавий ҳаётимизни беэай олишига шубҳа йўқ.

Ҳолида ФАЙЗИЕВА

Г.ТУРСУНПУЛОВА

ТИЙНАТ

Ташчалик

Уй, ҳаё, сен нимасан, кўринишинг қандай? Муддаонг нима? Нега бунчалик нафис, гўзалсан? Сен ҳақингда ҳеч ўйламаган эканман. Бугун сенга кўнгул кўйганлар, дўст туганларни кўриб ҳавас қилаялман. Чунки сен бор жойда файзу барака, поклик бор, сокинлик, ҳалимлик бор.

Сени биринчи бор қайда учратганим? Шу ҳақда кўп ўйладим. Қачон, қаерда топганман. Афсус, ўйлаб ўйимга етолмадим. Чунки сен халқимнинг, ота-бобомнинг қон-қонига сингиб кетгансан. Туғилган чоғимдан менга ҳамроҳ бўлгансан. Онаминг юзида, отамнинг сўзида. Бобомнинг ўғити-ю, момомнинг эрталабларида кўшиқларида яшагансан. Уларнинг ҳаракатида, юриш-туришида сен намоян эдинг. Бугун сен туфайли ота-она, эр-хотин, ота-бола, оила, кўни-кўшини ораларида кўринмас парда, мувозанат сақланмоқда.

Сен йўқ жойда ваҳшийлик авжга чиқиб, инсон ўз қиёфасини йўқотиб, тубанлик боғқозиға ботиб бораёттир.

Шу кунларнинг бирида Европанинг шимолида бир ўзбек аёли ярим тунда фиғон чекиб, тақдиридан зорланарди. У Худодан ёрдам сўраб, бор дардини дoston қиларди. “Мен мусофиру мусулмонман, қадим туркнинг ўзбек элиданман, бу ўлкаларда хор қилма. Муқаддас она тупроғимни ташлаб, шу ерларга пул, бойлик илинжида бор-будимни сотиб, қарзга ботиб келдим. Аммо зоҳирини ўйлаб, ботинини ўйламай адашибман. Мўътабар устоз деган номим бор эди. Энди-чи? Оддий фаррошман. Мен-ку барчасига чидайман. Аммо фарзандларим, гўдакларимни ўзинг асра. Бу ерда уларнинг мурғак қалбини беҳаёлик чирмаб оляпти. Наҳотки, илм даргоҳида ҳали ўн ёшга тўлмаган бола гўшана сирларидан таълим олса. Оҳ, бунга чидаб бўлармикан?! Болаларнинг бети қотиб кетяпти. Энди дарз кетган қалбини бутлаб бўлармикан?! Қора кўзларим бу кетишда катта бўлса, ким бўлади?.. Оҳ, бир томонда болам, бир томонда суянган товим, жуфти ҳалолим адо қилмоқда. Жижарғушам уятсизликдан сабоқ олиб, дилини пора қилса, бегим ову чекишга кўнгул кўйиб куйдиради. Яна ўз қилишидан болалар олдида ҳам андиша қилмаяпти. Энди нима қилай?! Бу болалардан асровчи ўзингдан бошқа кўмакчим йўқдир”.

Мусофир бўлиб, чин мусулмон бўладим деб, нола қиларди у. Бу фиғон чин вафо, муҳаббат, садоқат эгасининг қалбидан отилиб чиқаётган дарбар эди. У шу онларда ҳаёнинг энг катта неъмат эканини, усиз оила издан чиқиши, инсон ҳайвондан фарқи қолмаслигини тушуниб етганди.

Пулнинг куч-қудрати кишини ўзгартириб юбораркан. Дилдора бир пайтлар ҳалимчина аёл эди. Энди у ушлаган жойини юлиб олаётганлардан. Мана неча йилдан бери бозорда юриб, пулни пулга уриб, ошиги олачи бўлиб келяпти. Уйда ҳам айтгани айтган, дегани деган. Унинг гап-гаштаклари кўпчилиги айтмайсизми, ҳар икки куннинг бирида гап.

...Яхши ҳам ўшанда эрининг айтганини қилмаган экан. “Бозорга чиқмайсан”, деб туриб олганида “бўлмаса, рўзвори бутлаб қўй” деб қанча ўйқирганидир сенсираб. Турмуш қуранидан бери энди сан-манга бориши эди ўшанда. Шундан кейин бозорга ҳам чикди. Унинг кетидан машинаю ҳовли ҳам олди. Аммо ўша воқеадан кейин нимадир дарз кетгандай, бутланмайдиган нимадир сингандай бўлди. Шушу, ҳеч турмуш ўртоғи билан гапи-гапига тўғри келмай қўйди. Нега бундай эканлиги ақли етмас, гоҳида фарзандлар олдида ҳам айтишиб қоларди. Эри “Болалар олдида гап қайтарнишга уялсанг бўларди”, дея неча бор айтди. Бироқ оила ҳукмронлиги унда бўлгандан кейин, гап кор қилармиди?! Бу орада қизи ҳам воёга етиб, келин бўлди. Лекин турмуши узокқа бормади. Қайнонаси билан чиқишолмай, эрини ҳам бир пул қилиб, қайтиб келди. Сўнг қиз ҳам онасининг йўригидан юриб, бозору уй, кафе-ресторандан нари келмасди. Ёшида бўлган-қулгиси, ҳаёт гаптини сургиси келди. Бу орада маҳаллада қизи ҳақида “ёмон йўлга кириб кетибди” деган миш-миш тарқалди. Аммо бу гапларга Дилдора ишонмасди. “Мени кўролмайдиганларнинг иши” деб ўйлади. Бир кун қизи ярим тунда маст ҳолда кириб келди. Уни роса урушди. Аммо мастга гап кор қилармиди?! Кейин у алачини эрдан олишга ўтди. “Ота бўлиб қарасангиз бўлмайдими?!” деди. Унга эри: “Бу уйда менинг ўлганимга анча бўлган. Булар сенинг айтганини қилмагандан кейин меники таъсир қилармиди, сендан ўрнак олган-да”, деди алам билан. Дилдора эса “Сиз қарамагансиз”, дея яна эрини айблай кетди. Аммо ич-ичидан қизининг бетарбия бўлишида ўзининг ҳаёсизлиги сабаб бўлганини ҳис қилар, айна дамда оиласига айнан ҳаётишмаётганини, қандай йўл турса оиласи изга тушишини ўйлаб боши қотарди.

Бугун айрим юртдошларимиз хорижга чиқиб “кўзи очилиб” қайтача, ўз ҳаёсини унутмоқда. Улар учун беҳаёлик оддий ҳол. Сўзимиз аввалида келтирилган биринчи воқеа ҳам асло тўқиб-битилмаган. Швецияга пул топиш илинжида кетган бир оила тақдири. Маълумки, бу давлатда бошлангич синфда эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги фан бўлиб, унда гўшанга сирлари очилмасида ўқитилади.


Афсуски, юртимизда ҳам айрим чет давлатларидаги каби беҳаёлик, чегара билмас уятсизлик оддий ҳолга айланиб, кўникиб қолаётимиз. Оқибатда у борган сари илдири отиб, атрофимизда айрим иллатларнинг урчишига, кўпгина оилаларнинг бузилишига, жиноятларнинг ортишига олиб келмоқда. Ота боладан, бола отадан, келин қайнонадан, шогирд устоздан ҳаё қилмай қўйди. Бу эса ҳақиқатнинг маънавий ривожига салбий таъсир этиб, одамлар орасида меҳр-оқибатнинг кўтарилишига сабаб бўлмоқда.

Уй ҳаё, бугун сен шунчалик кераксанки, буни ҳамма ҳам англамаяпти, афсус. Уларнинг кўзига беҳаёлик, уятсизлик чиройли кўринмоқда. Агар улар сени одобнинг калити, ахлоқнинг қомуси эканлигини билсалар эди, сени ҳеч қўйиб юбормаган бўларди.

Кел, эй ҳаё, бугун эл-улус сенга ташна. Бу ташналикни қондир. Бизни ўз файзинг билан беа. Поклик, муҳаббат, меҳр гулларингни соч. Қалбимизни, ҳаётимизни мунавоар эт. Иймонимизни янада зийнатлаб, мустаҳкам қил.

Бобур МУҲАММАДИЕВ

БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ



Нотариус ва уларнинг ёрдамчилари уст-боши, умуман кийиниш маданияти ҳам назоратга олинади-ми.

Ш.Бердиева

— Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2016 йил 30 мартдаги 55-ум-сонли буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари тасдиқланган.

Унга кўра, адлия органлари ва муассасалари ходимлари, шу жумладан, нотариал идоралар ходимлари ўз хизмат вазиёларини виждонан, юксак касбий даражада бажаришга, умумэтироф этилган ахлоқ қоидаларига риоя қилишга, миллий аъёналар, урф-одатлар ва қадриятларни ҳурмат қилишга, шунингдек, юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлишга, юриш-туриш, кийиниш ва муомалада ўз ҳамкасбларига ижобий томондан ўрнак бўлишга мажбур.

Давлат нотариал идоралари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши устидан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоят адлия бошқармалари томонидан доимий назорат қилиб борилади.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги давлат нотариал идоралари нотариуслари ва бошқа ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назорати гуруҳлари ҳам мониторинг ўтказиб боради.

Ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интимижий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Саволга Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси масъул ходимлари жавоб берди.

Чаройла юз билан

Инсон гўзаллиги ҳуснда эмас, одамийликда у нафису аъло, Чиройли юз билан бадхулқ бўлса у, Бир гўзал хатдики, имлоси хато.

Ушбу тўртлик Хусрав Дехлавий қаламига мансуб. Ҳар сафар уни ўқиганимда, гўзаллик ўзи нима, қимматбахо, башанг кийимлари тақинчоқларга бурканиб, ўзини кўз-кўз қилиб, ясан-тусанни жойига қўйган кишиларни гўзал деб алқайдиларми, деб ўйга толаман. Оддийгина, камтарона кийинган хоксор кишиларни кўрсак, бепарвогина ўтиб кетамиз. Гўё назаримиз илмайди. Унинг ички оламига, руҳий дунёсига бир назар солсак, ўша инсон башанг кийинган, манман кишилардан юз чандон оқил, мулоҳазали, ор-номусли киши бўлиб чиқади. Андишаларнинг эса кичкинагина “кусур”лари бор. У ҳам бўлса ўта хоксор, биров билан иши бўлмайдиган, уятчан ва мулоҳазакорликлари!

Инсон кимлигидан, қайси соҳа вакили бўлишидан қатъи назар, аввало миллий ахлоқ, одоб меъёрларидан боғабар бўлиши, унга бўйсунishi, амал қилиши лозим. Ҳар бир миллатнинг ўз кадриятлари, одоб-ахлоқ қоидалари, менталитети, турмуш тарзи, урф-одат ва аъёналари, маросимлари бор. Булар азал-азалдан асрлар давомида шаклланиб, сайқалланиб бизгача етиб келган. Буларни эъзозлаб, унга амал қилганлар миллатни ҳурмат қилган, унинг билан фахрланган ҳусни хулқ эгаларидирлар.

Инсон боласи туғилгандан то ҳаётининг сўнги дақиқаларига қадар руҳий маънавий озукга муҳтожлик сезиб яшайди. Ички андиша, имон, уят, ор-номус, виждон, мулоҳазакорлик, самимийлик, тавозе, саҳийлик, ростғўйлик, соддадиллик, ақлу фаросат, қатталарга ҳурмат каби бизга жуда оддий бўлиб туюлган аммо энг зарур ва қимматли инсоний тўғулларнинг тобора қайиби, ноёб бўлиб бораётгани, бу соф тўғуллар ўрнини худбийлик, шафқатсизлик, ҳасад, манманлик, кибру ҳаво каби салбий иллатлар эгаллаб олаётгани ҳам сир бўлмай қолди. Бу каби иллатларнинг вуҷудини ва руҳиятимизга сингиб кетиши бонис биз маънавий жиҳатдан қашшоқлашиб бораётимиз.

Маънавият эса хил донишмандларнинг таъбиринча қалбдаги ақл деган маънони англатади. Маънавият ижтимоий ҳодиса саналиб, у бир ерда тўхтаб қолмайдиган узлуксиз жараёндир. Агар у тўхтаб қолувек бўлса, инсонлар табиатида маълум маънода жаҳолатга мойил бўлган қусурлар пайдо бўла бошлайди.

Демак, биз одоб деб атайдиган бир сўзнинг замирида жуда кўплаб



Сахнада хонанда Хоншибой Беибоев, марҳамат!

инсоний фазилатлар намоян бўлади. Бундай гўзал фазилатлар, айниқса, санъаткорда бўйи басти билан намоян бўлиши жоиз. Негаки, санъаткор кўп миқдорда муҳлисларнинг, қолаверса, халқнинг диққат марказида туради. У элга танилгани, унинг хатти-ҳаракатию муомала маданияти, кийиниши, хулқи, одоби, сўзлаётган сўзига эл назарида бўлади. Қўпчилик, айниқса, бугунги ёшлар ўзига ёққан хонандасига тақлид қилади. Улар бу тақлидни онгли равишда эмас, кўр-кўрона бажаради. Дейлик, хонанданинги қўшини матнга, ижросига, унинг истехдодига эмас, кийиниши, соч турмаклари, ташки қиёфасига кўпроқ ахамият беришадил. Бу ерда шакл мазмундан устун келади. Мушоҳаданинги ҳали тўла шакланмаганлиги, ҳаётга енгил қараш, қизиқсонлик, ёни ёшлиқнинг нурлиги, ўзига бино қўйиш каби қусурлар туфайли улар қўшининги маъносига эмас, хонандаларнинг ташки қиёфасига кўпроқ маҳлиё бўлишадил. Бу албатта, табиий жараён.

Аммо, хонандаларнинг ўзи масаланинги бу жиҳатларида эътибор қаратадиларми? Бу саволга йўқ, деб жавоб берсак хато қилмаймиз. Негаки, кўпгина хонандаларнинг ўзлари бугун тарбияга жуда муҳтож. Уларнинг кўпчилигидан (урта авлод вакилларини ҳисобга олмганда) одоб, андиша, муомала маданияти, кийиниш маданияти, катталарни ҳурмат қилиш каби инсоний фазилатлар тобора беғоналашиб бораётгани айни ҳақиқат. Битта кўшиқ кўйлаб-қўйламай манманликка, кибру ҳавога берилиб кетаётган, ўзидан бопкани назарини санайд қилмайдиган ёш хонандалар урчиқдан урчиб ётибди. Яқинда Ўзбекистонда хизмат қўрсаган артист Азим Муллоҳонов бир воқеани гапириб қолди. Муҳриддин Холиқов тўй-томошаларда бирон бир ёш хонанда ё сוזандани учратиб қолса, дарров уни қакиртириб, бир қўшиқ кўйлаб беришини ё сوز чалиб беришини илтимос қилар экан. Унинг истехдодига бир муҳлис сифатида тан берар экан. Муҳриддин аканинги танилиги, беғуборлиги, марданиги, ўзидан кейинги ёшларга бўлган изъат-ҳурмати ҳар бир хонанда учун ибрат бўлмоғи керак. Бугун хонандаларда бир-бирининги ижросини, санъатини тан олиш, муваффақиятидан қувониб ўрнига, бир-бирларини еийбат қилиш авжга минди. Ёш хонандалар ёши улуг устозларнинг юзларига оёқ қўйишяпти. Масалан, ёш хонанда Шохруххон Муҳриддин Холиқовнинг “Комила қиз”, “Паризод” қўшиқларини бузиб ижро этди. Қўшиқ ўртасида репча сўзлар ҳам бор. Афсуски, биров бунга “гит” дегани йўқ. Холбуки, бу хонанданинги устоз санъаткор ижро этган қўшини бузиб ижро этишга ҳеч қандай маънавий ҳаққи йўқ. Ахир бу ҳам одобнинг бир кўрinishи. Хонандаларда ички бир иймонни, андиша, мулоҳаза қолмади. Санъат гўё масъулларнинг чиқадиغان бир майдону, унда на катта на кичикнинг, на сахнанинги кадри бор. Сахнага

ИНСОН МАНЗАРАЛАРИ

ҒАНИМАТИМ ОНАЖОН

— Келдингни, ёруғлик! — деб кўришди онам ҳар сафар борганимда. — Ўзиям келмаганинга етти-саккиз ойлар бўлди-ёв... — Йўре, она, сизни кўриб кетганимга эндигина икки ойдан ошди-ку. — Менга жуда узок туюлиб кетади-да, болам.

Онамнигина бормсам, укаларим яқин-атрофга келин бўлиб тушган сингилларим мени кўргани дарров келиб қолишди, улар мен билан кўришгач, тўрға ўтиб ўтиришми талаб қилишди. — Ҳт, болам, ўтавер, тўрға, сен болаларимнинг боши, эси-ақлисан. Ақлли кишни Хўжай-Хизр бобомиз ҳам сийлаган экан, — дейди онам.

Тўрға ўтаман. Сўнг эса гапимиз тугамайди. Бир борганимда онам менинги гўдақлик пайтларимни эслаб қолди. — Сен етти-саккиз ойлик бўлган пайтларингда қўшнимизнинг ўн икки-ўн уч яшар қизи сени кўтариб уйларига олиб кетарди. Уларнигида ёш бола йўқ эди-да. Онаси билан бирга ўша қизча сени еру қўкка ишонмай сойиб қарашарди. Икки-уч соатлардан кейин сенинги уйқунг келгач, менга олиб келиб беришарди. Ўша икки-уч соат ичиде мен уйимдаги анча



рўзвор ишларимни битириб олардим. — Она, менинги ёшим етмишга бориб қолди. Ўша пайтда ўн икки-ўн уч яшар бўлса, хозир ўша киз ёши улуг момо бўлиши керак. Ўша момо хозир борми, ҳаётми? — сўрадим мен. — Ҳа, бор, деди онам, ху, нариги қишлоққа келин бўлиб тушиб кетган эди. — Эса, ўша момодан мен битта қўйлак қарздор эканман-да, — дейман мен. — Ихтиёринг, — деб қўйди онам. Икки-уч ойлрдан кейин яна онамни кўришга Самарқандга бордим. Албатта, бир қўйлақлик

мато, устига битта рўмол ҳам қўйиб олдим. Боргач, дарров уни онамга кўрсатдим, хурсанд бўлди. Ўшанда онам жудаям қартайиб, ёши тўқсонга бориб қолган эди. Унга тез-тез, кечаси ҳам доктор керак бўлиб қоларди. Шунинг учун онам ўзининг яқинида яшайдиган шифокор сингилминикида турарди. — Гуласал, — дедим синглимга, — сен олиб келган совғамни ўзинг машинанга фириллаб бориб бериб кел. Мен бормай қўёвранам, мен у кампирни танимасам, нима қиламан бориб, — дедим. — Шу совғанинги устига бирон килло новвот, тўртта иссиққина нон ҳам қўшсаларнинг ундан ҳам яхши бўларди, — деди онам. — Э-эй онажон, шу ҳам етати, — дейман мен. Онаминг ёнида бир кеча ётдим, Топкентга қайтдим. Яна бир кечагина ёнимда ётсан бўларди, болам, яна етти-саккиз ойлаб келмай, ҳаяллаб кетасан, соғинаман, деди. — Мен эса болаларимни бир кечагинада соғиниб олдим, — дедим. Онам астагина кулиб қўйди. Онам-а, онагинам-а! Отам иккаласи бир умр кетмон чолди, пилла

боқди, мол қаради, товуқ қўлайтирди. Нима учун? Бизни — етти фарзандни, яна икки келинни ҳам олиш маълумотли қилиш учун. Шунча меҳнат қилишни улар бирон марта ўзларига оғирлик деб билмади. Топкентга, уйга келгач, ҳаёлан, ўз-ўзимча онамга қатъий ваъда берман: “Онажон, янаги сафар сизни кўргани борганимда ўша момони албатта ўзим бориб кўриб келаман. Новвот ҳам, сиз айтган иссиққина, мулоймингина нон ҳам оламан. Уйингизнинг олдингизда қасосдан гўшт ҳам сотиб олиб бориман. Энди ҳеч қачон бизнинг битта гапингизни иккита қилмайман”.

Қунарлар ўтиб кетаверди. Чамамда икки ярим ойлар ўтгач, телефон жиринглади. Гушакни кўтарсам, синглим Гуласалинги овози: — Опажон, тезроқ йўлга чиқаверинглар, онам хозиргина орғимай-нетмай оламдан ўтди. Инсон боласи ўз онасига нисбатан яхши маънода эркин, бемалол муносабатда бўлар эканми, ҳар қалай мен чуқур армонда қолдим.

Сайёра БЕКМИРЗАЕВА

Reklama o'rtida

Бошларнинг 1-бетда

Президентимизнинг ўтган йил бошида "Энди эскичасига ишлаб бўлмайди" деган иборани такрор-такрор айтгани яхши эсимизда. Айтилган гаплар амалга ошди. Халқнинг талабига, манфаатига қараб иш кўриладиган пайт келди.

Айни кунда республикамизнинг барча ҳудудларида ана шу йўлдаги изланиш ва интилишни кузатиш мумкин. Жумладан, Тошкент вилоятида ҳам.

Маълумки, шу йил 5 январь кун Президент Шавкат Мирзиёев мазкур вилоятда амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари билан танилди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 20 июлдаги "Тошкент вилоятининг маъмурий-ҳудудий тузилишини ҳамда маҳаллий иқтисод ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга асосан Тошкент вилоятига бўйсунувчи шаҳарлар туркумига киритилган Янгийўл шаҳрида бажарилаётган ишлар билан ҳам қизиқди.

Жумладан, "Файзли" маҳалла аҳолиси ва тиббиёт бирлашмасига қарашли шифохонада даволанаётган беморлар билан мулоқот қилди. Уларнинг орзу-истаклари, хол-аҳоли, турмуш шароитлари билан танилди.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Янгийўл шаҳрининг Бош режаси лойиҳаси, шаҳардаги кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш дастури ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш борасидаги ишлар билан танишиб, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини замон талаблари даражасида такомиллаштириш, соҳага ахборот технологияларини кенг жорий қилиш зарурлигини таъкидлади. Жорий йилда Янгийўл шаҳридаги кўп қаватли уйларни таъмирлаш, 7 қаватли 12 та янги уй-жой куриш, замонавий бозор, супермаркет, кўпқирли барпо этиш, янги иш ўринларини яратиш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўлла-



қўп. Яхшиси, давлатимиз раҳбарининг тавсияси ва топшириқларини асосида ишлаб чиқилган, айни кунда амалга ошириш ишлари бошланган дастурдан айрим маълумотларини келтириб ўтсак. Шаҳардаги мавжуд 241 та кўп қаватли биноларни таъмирлаш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳага кўра 16 миллиард 653 миллион сўмлик, 1912 йилда қурилган, Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги кун талабига мутлақо жавоб бера олмай қолган марказий шифохонани капитал реконструкция қилиш ва янгидан қуриш учун 40 миллиард сўмлик, тиббий асбоб-ускуналар учун 650



сўмлик, қийинчиликлар ортда қолгани, янги иш, янги лойиҳалар устида ишлаётганликлари ҳақида хурсанд бўлиб гапирди.

Шаҳар тадбиркорларга қўмаклашиш марказида бўлганимизда ногаҳон икки тадбиркорнинг суҳбати қулоғимизга чалинди:

— Кеча цехга бориб иш жараёнини кузатиб турсам, "Сизни сўраяпти", деб қолишди. Қарасам, шаҳар ҳокими. Ишларимни қўргани, шарафим билан танишгани келибди. "Э, раҳмат-э" деб юбордим. Хуллас, ҳокимимиз ишлар билан танишиб, режаларимни сўради. Туркиядан янги технология олиб кел-

Янгийўл янги шаҳарга айланади

минг долларлик, ичимлик суви таъминотини яхшилаш ва канализация қурувларини таъмирлаш ҳамда уз-дуксиз ишлашни таъминлаш учун 7 миллиард 519 миллион сўмлик, иссиқлик тизимини яхшилаш учун 27 миллиард 950 миллион, ички йўллари таъмирлаш учун 30 миллиард 300 миллион, дренаж ҳудудларини тартибга келтириш учун 72,5 миллион, электр тармоқларини яхшилаш учун 3 миллиард 850 миллион, шаҳарни ободонлаштириш, истироҳат боғларини тартиб-

самикан, деган пишиб-пишмаган режам бор эди. Тўғриси, "Отанга бор, онанга бор" деган гаплардан чўчиб турганим. Нима бўлса бўлди деб, ўша режамни айтдим. Ҳоким мулоҳаза қилиб туриб: "Яхши ўйлабсиз. Кечиктирмай ҳаракатингизни қилинг. Канақа ёрдам керак бўлса, берамиз", — деди. Бирдан руҳланиб кетдим. Қарорим қатъийлашди. Шунинг учун технологияни олиб келишнинг йўл-йўригини сўрагани Абдулолим Тўрақуловнинг олдига кел-

ўтказилиб, ўртача 18 та иш ўрни ташкил қилинди.

Шаҳар ҳудудида жойлашган бозор ва савдо комплексларида фаолият юритиб келаётган тадбиркорлик субъектларига қулайлик яратиш мақсадида шаба ва яқинба кунлари сайёр рўйхатдан ўтказиш йўлга қўйилди".

Оқоридаги сўз ва рақамлардан кўриниб турибдики, Янгийўл шаҳрида Ҳаракатлар стратегиясида белгиланганидек, "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойил асосида иш юритиш йўлга қўйилмоқда. Бу, тадбиркорлик ва ишбилармонлик му-

ешларни кўрсам, хафа бўлиб кетаман. "Сенга нима етишмаяпти? Қўл-оёғинг, қалланг жойида бўлса, корхоналарда иш тополмасанг, ўзинг иш оч" дегим келади. Бундай кишиларда мустақил фикр йўқ, дидиллик етишмайди, уларга йўл кўрсатадиган, туртки берадиган одам керак. Бугун уйдан ишхонага келгунча бир нарсани ўйлаб, режалаштириб келдим. Уйда иккита карасам, зерикиб қолгандай бўлиб туришибди. Шунча йил яшаб, аτροφодаги одамларни кузатиб билдимки, оиладаги кўп гап-сўзлар, нотинчлик бекорчиликдан чиқади. Иш билан банд бўлган одам май-

энг яқин ёрдамчиси. Абдуфоиҳ Хитойда халқаро иқтисод бўйича таҳсил олган. Абдуманнон Рига техника университетини битириб, ҳозирда Латвиядаги Ўзбекистон элчихонасида ишлаяпти. Қизи Мунаввархон педагог. Хуллас, Абдулбори ака оиласидан, фарзандларидан кўнгли тўқ. Лекин ҳамон ғайрат билан ишлаяпти. Катта-катта режалар тузиб, амалга оширишга ҳаракат қилапти.

— 5 та фермер хўжалиги билан шартнома тузганман, — дейди у. — Судтан муаммо йўқ. Энди бу йил насиб қилса, Франциядан янги технология олиб келиб пиллоқ турларини кўпайтирмакчиман.

Президентимиз Янгийўлга келганда шаҳарда супермаркет қуриш кераклигини алоҳида таъкидлаган эди. Бу ишни ҳам Абдулбори ака жамоаси билан амалга оширди. Уч қаватли, замон талабига ҳар тарафлама жавоб бера оладиган савдо комплексини қисқа муддатда қуриб ишга туширишди. Бу савдо мажмуасида 50, болалар кўнгличор ўйингоҳида 15, бинонинг учинчи қаватидаги шинам, қўрқам оилавий оқатланиш шохобчасида 15, жами, 80 та янги ишчи ўрни яратилди.

— Одамларга ёрдамим тегса, уларнинг миннатдор нигоҳини кўрсам, қилаётган ишларимдан хурсанд бўлиб кетаман. Кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшилгандай бўлади, — дейди Абдулбори ака. — Савдо ишининг мен билмаган ташвишлари кўп экан. Битта муаммони хал қилсангиз, иккинчиси чиқади. Бемалол ўтиришга ҳам вақт топа олмай қоляпман, шу кунларда. Ана шундай пайтда иккинчи қаватга чиқиб, болалар ўйингоҳида яйраб ўйнаётган болаларни кўрсам, чарчокларим ёниб кетади. Барча муаммо, ташвишларини унутаман. Айниқса, болаларнинг ота-оналари хурсанд бўлганини айтмай-сизми?!

Ҳақиқатдан ҳам Янгийўлда болалар учун замонавий кўнгличор жой йўқ эди. Кўпчилик ота-оналар фарзандларини дам олиш кунлари пойтахтга олиб боришга мажбур бўларди. Мана энди, хоҳлаган пайтларида, ҳамма шароитларга эга бўлган ўйингоҳда фарзандларини хурсанд қилишлари мумкин. Қурилиш ишларига 2 миллиард, жиҳозлаш учун 2,5 миллиард сўм сарфланган савдо мажмуасининг очилиш маросимига таширф буюрганлар бу ерда яратилган шарт-ша-



Янгийўл сўт хусусий фирмалари

да-чуйда нарсалар ҳақида ўйламайди. Шунинг учун келинларимга 5-10 та тикув машиналари олиб бериб, кичик корхона очиб берсаммикан, деб турибман. Тўғри, келинлар топадиган пулга қараб қолганимиз йўқ. Лекин иш деганда фақат моддий эмас, маънавий томонини ҳам ўйлаш керак. Чунки тадбиркор фақат иш, эртанги кун ҳақида ўйлайди. Ютувдани рухланади, фикри тиниқлашади. Фикри тиниқ одам ҳаётдан завқланиб, олдинга интилиб яшайди. Бунда гап кўп.

Ҳақиқатдан ҳам Абдулбори аканинг фалсафасида мантқиқ бор. Чунки унинг ўзи шундай яшайпти. Қийинчиликлардан чўчимади. Мақсадларини амалга ошириш учун астойдил интилади. Ишлаб чиқаришга Германия, Туркия, Россия технологияларини жорий қилди. Ўн беш турдаги сўт маҳсулотларини ишлаб чи-



қилишнинг яхшиланishi, тажрибали тадбиркорларнинг иш юритиш усулларининг омалашishiга омил бўлиб хизмат қилади, албатта. Янгийўлда йиллар давомида паст-баланд йўллари босиб ўтиб, ўзига хос тажриба мактабини яратган тадбиркорлар кўп. Шулардан бири — "Янгийўл сўт" хусусий фир-

ма тадбиркор фақат иш, эртанги кун ҳақида ўйлайди. Ютувдани рухланади, фикри тиниқлашади. Фикри тиниқ одам ҳаётдан завқланиб, олдинга интилиб яшайди. Бунда гап кўп.

Ҳақиқатдан ҳам Абдулбори аканинг фалсафасида мантқиқ бор. Чунки унинг ўзи шундай яшайпти. Қийинчиликлардан чўчимади. Мақсадларини амалга ошириш учун астойдил интилади. Ишлаб чиқаришга Германия, Туркия, Россия технологияларини жорий қилди. Ўн беш турдаги сўт маҳсулотларини ишлаб чи-



қувватлаб, улар учун зарур бўлган барча шароит ва имкониятларни яратиб бериш юзасидан топшириқлар берди.

Орадан бир ойча вақт ўтди. Шаҳарда ўзгариш бўляптими, деган савол туғилиши табиий. Тўғри, қисқа муддатда өзгариш бўлишига аризонлик катта ўзгаришлар қилиш қийин. Лекин ана шундай катта ўзгаришлар қилиш учун интилиш, ҳаракат бошланипти. Шаҳарда кенг қўламли ободонлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Қўчалар, шаҳар хусусини бузиб турган ноқонуний, ўзбошимчалик билан қурилган бинолар, савдо дўконларидан тозаланмоқда. Йўллари тартибга келтириш, таъмирлаш ишлари ҳам жаддалашган.

Хуллас, айтадиган бўлсак гаплар келтириш учун 327 миллион, табиий газ қурувларини таъмирлаш учун 135 миллион сўмлик ҳажмдаги ишлар бажарилиши режалаштирилди. Қувонарлиси, шаҳарда бугун ана шу белгиланган дастур асосида ишлар бошланиб кетди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, шаҳар раҳбарларига тадбиркор ва ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, имкони борича уларга ёрдам бериш борасида ҳам зарур топшириқлар берилган эди. Шаҳар мутасаддилари бу йўналишда ҳам ижобий ўзгаришлар қилишга эришди. Мақолаи тайёрлаш жараёнида шаҳар ҳокимлигида ўнлаб тадбиркорлар билан танилдик. Лекин уларнинг бирортаси ишдан ёки муаммоларидан нолигани йўқ. Ак-

корлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона маркази раҳбари Мадина Райхонова билан олиб борилаётган ишлар тўғрисида суҳбатлашиб, икки тадбиркорнинг сўзларида муболаға йўқлиги, ҳақиқатдан ҳам шаҳар раҳбарлари тадбиркор бўламан деганларга ҳар тарафлама ёрдам бераётганлигига ишонч ҳосил қилдик.

Мадинахонанинг қўлимизга узатган маълумотномасида шундай сўзлар ёзилган экан: "Янгийўл шаҳар "Ягона дарча" марказида 606 та тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган. Шу йилнинг 24 январига қадар яна 13 та юридик шахс мақомидаги, 24 та яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан

— Ха, шаҳарда яхши ишлар бошланди, — деди иккинчи тадбиркор. — Янги ҳокимимизга ҳам, уни аτροφодагиларга ҳам кўз тегмасин...

Тўғриси айтсам, бу тадбиркорларнинг олдига бори гурунглари арашшиш, исм-шарифларини сўраш нуқул йўқ эди. Лекин шаҳар тадбир-

корлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона маркази раҳбари Мадина Райхонова билан олиб борилаётган ишлар тўғрисида суҳбатлашиб, икки тадбиркорнинг сўзларида муболаға йўқлиги, ҳақиқатдан ҳам шаҳар раҳбарлари тадбиркор бўламан деганларга ҳар тарафлама ёрдам бераётганлигига ишонч ҳосил қилдик.



масини ташкил этганимга 18 йил бўлди, — дейди Абдулбори ака. — Биз иш бошлаган пайтларда тадбиркорларга тўсиқлар кўп эди. Қовозбозлик, югур-югур... Арзи-маган бир ишни қилиш учун ҳам юзта одамга илтимос қилишга тўғри келарди. Ҳозир вазият бутунлай бошқача. Бирор ишни бошлайман десангиз, "Бошланг ака, биздан нима хизмат" дейишади. Даври келди, яхши режалар тузиб, ишлаш керак. Ишсиз юрган



қаришни йўлга қўйди. 22 нафар ҳамшаҳарларини иш билан таъминлади. Фирмада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар республикамизнинг кўплаб савдо шохобчалари растанларини безади. Супермаркетларнинг харидортир товарларига айланди.

Бу ишларнинг орасида турмуш ўртоғи Мушаррафхон билан фарзандларини ўқимингли қилиб воёга етказди. Катта ўғли Абдухалил ҳозир унинг ёнида. У дадасининг

роитлар билан танишиб тадбиркорга тасанно айтдилар.

— Мен бой эмасман. Чунки пул йиғадиган одатим йўқ. Тўрт сўм топсам тўрт сўмни, ўн сўм топсам ўн сўмин бошқаларга ҳам фойдаси тегадиган ишларга сарфлашга ҳаракат қиламан. Одамларга озроқ бўлса ҳам нафим тегса деб яшайман. Бу мен учун катта бахт, — дейди Абдулбори ака.

Янгийўлда Абдулбори акага ўхшаб эгу-ниятлар билан яшаётган инсонлар, тадбиркорлар кўп. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари асосида ишлаб чиқилган дастурни бажариш ишига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Насиб қилса, яқин кунларда бошланган саъй-ҳаракатларнинг натижаси "ялт" этиб кўзга ташланиб қолади. Янгийўл чинакам янги шаҳарга айланади.

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ, "Hurriyat" мухбири. Суратлар муаллифи ШОЛАЗИВ ШОХИДОЕВ

